

МУҲОКАМА АХБОРОТИ

16.12.2022 йил

Наманган шаҳар

Наманган шаҳар ҳокимлиги томонидан 2022 йил 13 декабрдаги **22110012200547** лотга асосан Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунининг 56-58-моддалари талабларидан келиб чиқиб, харид қилиш тартиб-таомилларининг энг яхши таклифларни танлаш тури бўйича, маиший техникалар сотиб олиш учун харидларни амалга ошириш режалаштирилган. Шунга асосан, белгиланган муддатлар асосида Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунининг 61-62-моддалари талабларидан келиб чиқиб, танлов савдолари ўтказилди. Мазкур танлов савдолари якуни бўйича “Fayzli obod go’sht sut” МЧЖ томонидан берилган таклифлари комиссия аъзолари иштирокидан энг мақбули деб топилди. Ушбу танлов жараёни бўйича расмийлаштирилган кунда давлат харидларини электрон тизимига муҳокама қилиш учун жойлаштирилди. Шунга асосан икки иш куни ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмади. Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан қолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилиши мумкин деб ҳисобланиши белгилаб олинди. Муҳокама учун белгиланган муддат тугагандан кейин келиб тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

Наманган шаҳар ҳокимининг
биринчи ўринбосари:

Бош ҳисобчи:



Р.Исақов

И.Гиясов

Шартнома

Наманган шаҳар

№ 28/12

2022 й. "16" декабрь

Амалдаги Низом асосида иш кўрувчи, кейинчалик "Етказиб берувчи" деб юритилувчи «Fayzli obod go'sht sub» мчж номидан иш кўрувчи Б.Хамидов бир томондан ва амалдаги Устав асосида иш кўрувчи, кейинчалик "Харидор" деб юритилувчи Наманган шаҳар ҳокимлиги номидан бюджет ташкилоғи биринчи ўринбосари Р.Исақов иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

I. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

1.1. "Етказиб берувчи" мазкур шартнома бўйича "Харидор"га ўзаро келишилган миқдорда ва муддатларда шартноманинг умумий қийматидан ошмаган суммадаги маиший техникалар (кейинги ўринларда "товар" деб юритилади)ни етказиб бериш. Етказиб бериладиган товарларнинг шартнома тузиш вақтидаги миқдори, нархи ва етказиб бериш муддати қуйидагича белгиланган.

№	Маҳсулотлар номи	Ўлчов бирлиги	Миқ-дори	Нархи	Суммаси
1	Тикув машиналари	дона	29	4 070 000	118 030 000
	Жами		29		118 030 000

II. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Мазкур шартноманинг баҳоси **118 030 000 (бир юз ўн саккиз миллион ўттиз минг)** сўми ташкил этади.

2.2. "Харидор" олинадиган товарлар учун амалдаги қонунчиликда кўрсатилган миқдордан кам бўлмаган, яъни 30% аванс тўловини олдиндан "Етказиб берувчи" ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

2.3. "Етказиб берувчи" тегишли даврда томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ белгиланган миқдорда ва аванс тўловидан сўнг 10 кун муддат ичида товарларни "Харидор"га етказиб беради.

2.4. "Харидор" тақдим этилган ҳужжатларга асосан 5 кундан ортиқ бўлмаган муддатларда узил-кесил ҳисоб-китоб қилади.

2.5. Етказиб берилган маҳсулотлар учун пул ўтказиш йўли билан ҳисоб-китоб қилинади.

III. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. "Харидор"нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

"Етказиб берувчи"дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

"Етказиб берувчи"дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган буюртманомага мувофиқ тегишли сифат, ассортиментдаги маҳсулотлари етказиб берилишини талаб қилиш;

Етказиб бериладиган маҳсулотлар қийматини ҳаққонийлиги «Харидор» зиммасида бўлади.

3.2. "Етказиб берувчи" қуйидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга:

Етказиб берилган маҳсулотлари учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини Харидордан талаб қилиш;

Маҳсулотларни мазкур шартномага асосан "Харидор" буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда етказиб бериш.

IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

4.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. "Харидор" илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд маҳсулотларининг тегишли туркумларини етказиб бериш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда "Етказиб берувчи"ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 3 кун олдин хабардор қилади.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Товарларни етказиб бериш кечиктирилган ёки тўлиқ етказиб берилмаган тақдирда "Етказиб берувчи" "Харидор"га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорда пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.2. Етказиб берилган товарлар учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда "Харидор" "Етказиб берувчи"га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорда пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.3. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва товарлар етказиб бериш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ етказиб берилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.

VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

6.3. Форс-мажор ҳолати, яъни томонларга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар (ёнгин, сув тошқини шу каби енгиб бўлмайдиган кучлар) юз берган тақдирда мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун жавобгарликдан озод этилади.

VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

7.1. Мазкур шартнома «Харидор» ва «Етказиб берувчи» томонидан тасдиқлангандан сўнг Наманган шаҳар бўйича Газначилик бўлинимасидан рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга киради ва 2022 йил «31» декабрга қадар амал қилади.

7.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

VIII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

8.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибиде бекор қилиниши мумкин.

8.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шарт билан ҳақиқий ҳисобланади.

8.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

IX. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:

«Етказиб берувчи»
«Файзли обод гўшт сут» мчж

«Буюртмачи»
Наманган шаҳар ҳокимлиги

Адрес: Наманган шаҳар

Адрес: Наманган шаҳар Хуррият кўчаси

х/р:
Банк:
МФО:
ИНН:

х/в** 305022860144017109601018001
ИНН 200056859
ОКОНХ
Узб. Рес. Молия Вазирлиги Газначилиги
Ғазна х/в 23402000300100001010

Банкнинг номи Марказий банк Тошкент МФО 00014

Раҳбар _____ Б.Ҳамидов
(имзо) (Ф.И.Ш)



_____ Р.Исақов
(имзо)

Юрист Султ. Му. Одилов
Лицензия рақами № _____